



# O'ZBEKISTON OVOZI

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!  
Энг аввало, сиз қадрдонларимни — захматкаш бободоҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, барча мутахассис ва мутасаддиларни ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этиб, юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берганингиз билан самимий табриклайман.

Бугун сиз азизларни чин қалбимдан қутлар эканман, мен кўпчилик қаторида пахта етиштириш каби деҳқончилик бобида дунёдаги энг мураккаб ва нозик соҳа бўлмиш, нафақат чуқур билим ва катта тажрибани, авваламбор оғир ва машаққатли меҳнатни талаб қиладиган ишга ўзини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миллион-миллион юртдошларимизни ўзимга тасаввур қиламан ва эришилган галабага қўшган муносиб ҳиссангизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг пешона терингиз, азму шижоатингиз билан кўлга киритилган бу улкан марра Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик кулгуг ўйига яна бир беқисс соғва бўлди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Дарҳақиқат, ҳаммамиз яхши тушунамиз — деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги қишлоқ хўжалик мавсуми биз учун кўп жиҳатдан оғир бўлди. Жорий йилда баҳор фаслида юз берган табиий қийинчиликлар, ёз ойларидаги қаттиқ қурғоқчилик ва кучли сув тақчиллиги, жазирама иссиқ ва гармселлар ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Хусусан, ғўза айни ривожланиб, ҳосилга қирадиган июль-август ойларида ҳарорат йиллик ўртача меъёрдан анча юқори бўлгани, турли зарарқунанда ва касалликлар кўпайгани ҳам қанча-қанча муаммо ва таъшишлар туғдиришдан ҳаммамиз хабардоримиз.

Ана шундай қийинчиликларга қарамадан, сиз — кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, омилкор деҳқонларимизнинг ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб қилган меҳнатингиз, матонат ва мардликнинг эвазига бугунги юксак пахта хирмонининг бунёд этилганини халқимиз чуқур тушунади ва англайди.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани ҳар томонлама тўғри ва самарали йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда тасдиқлаб бермоқда.

Ҳозирги пайтда фермерлик ҳаракати нафақат юқори даражада олиш, нафақат ўзини ва оиласини боқиб, айни пайтда ўз олдига узоқ ва давомли мақсадлар қўйиб, қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг бугунги кунини ва келажак учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи сиёсий-ижтимоий кучга айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай мулоҳаза бўлмайди.

Шу ўринда бир фикрни такрор айтишни жоиз, деб биламан.

Фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур тушуниб, деҳқончилик маҳоратини пухта эгаллаган, ўз фаолиятида бир неча замонавий касбларни муваффақият билан яшайдиган, бой тажрибасини ёш авлодга — ўзининг муносиб давомчиларига бераётган фермерлар-

ни мен ўзимнинг энг яқин маслақдошим ва таянчим, деб биламан.

Бу йил пахтачиликда эришган катта ютуқларимизнинг энг муҳим омиллари қаторида биринчи навбатда ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишларимиз ҳақида, фақатгина охириги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 539,5 миллиард сўм маблағ сарфлаш ҳисобидан 1 миллион 164 минг гектар сугориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшилангани хусусида алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан. Шу борада ерни шудгор қилиш ва текислашдан тортиб, сифатли уруғ тайёрлаш, ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш, ғўзага ишлов бериш билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни юқори даражада ўтказганимиз, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил тўплаш ва сифатли тола олишда ҳал қилувчи омил бўлганини эътироф этишимиз зарур. Шу билан бирга, жорий мавсумда деҳқон ва фермерларимиз де-

фолиациянинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уни барча майдонларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширгани ҳам ўтган йилга нисбатан пахта етиштириш, йиғим-терим ишларини тезлаштириш ва уюшқоқлик билан ташкил қилиш, энг муҳими, ҳосилнинг аксарият қисмини юқори сортларга топшириш имконини берганини қайд этиш лозим.

Бу йилги пахта ҳосилининг 90 фоиздан кўпроги юқори сортлар билан етказиб берилгани айнан ана шундай муҳим тадбирларнинг самараси, десак, янглишмаган бўлаемиз. Шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти, шулар қаторида мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган барча вилоятларимизнинг пахтакорлари ва меҳнаткашлари юртимиз деҳқонларига хос олижаноб фазилатларини намойиш этидилар. Айниқса, Денов, Сарийосё, Вобкент, Пахтабод, Жалақудуқ, Дўстлик, Уйчи, Наманган, Шаҳрисабз, Тошлоқ, Учкўприк, Қизилтепа, Кармана, Нарпай, Иштихон, Амурдёр, Қораўзақ, Чиноз, Юқоричирчиқ, Боёвут, Гурлан, Хонқа туманлари белгиланган мажбуриятларни 20-25 иш кунинда бажариб, кўпчиликка ўрнатилган бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кунни — кун, тунни — тун демасдан қилган фидойи меҳнати эвазига бир қарашда таъваб қилиш ҳам қийин бўлган катта ютуқларга эришган юзлаб фермер хўжалиқларининг номларини бугун хурмат билан тилга олиш мумкин ва шу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига чуқур миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг юксак бурчим деб биламан.

Бугунги қувончли айёмда жорий мавсумнинг асосий якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, пахтачиликдан олинмаган даромад, моддий манфаатдорлик ортиб бораётгани ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачилик бўйича ялпи даромад, ўртача ҳисоблаганда, 2 триллион 400 миллиард сўмдан

зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқларимизни, бутун юртимизни янада обод қилиш, янги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, замонавий тиббиёт масканлари, болалар спорт объектлари, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш учун улкан имкониятлар туғдириши шубҳасиздир.

Азиз дўстлар!  
Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб ва қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Буни яқинда асим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида йирик хорижий фирма ва компаниялар билан 650 минг тонна пахта толасини сотиш бўйича шартномалар тузилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан яна бир муҳим масала — пахта толасини юртимизда қайта ишлаш ҳажмининг кескин ошириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда 200 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси модернизация қилинган, хорижий шериклар билан ҳамкорликда энг замонавий технологиялар асосидаги янги-янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани тўғрисидаги етиштирилган қимматбаҳо хомашёни тайёр маҳсулот ҳолида, қўшимча қиймат билан халқаро бозорга чиқариш имконига эга бўлганимизни таъкидлаш даркор.

Ўзингиз тасаввур қилинг, агарки 90-йилларда етиштирилган пахта толасининг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда ушбу рақам 33 фоиздан зиёдани ташкил этаётгани ўзбекистон бу йўлда қандай дадил қадамлар билан бораётганининг ва бу борада биз эришаётган катта-катта натижаларнинг яққол ифодаси, десак, асло хато бўлмайди.

Бу кўрсаткични яқин келгусида изчил равишда ошириш бўйича олиб бораётган амалий ҳаракатларимиз иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, оладиган даромадларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилиши мукяррар.

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда Ўзбекистоннинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган сиз, фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ меҳнаткашларини бағримизга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимнинг тўрида бўлган самимий хурмат ва эҳтиромимни, эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Мана шундай шуқули дамларда биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ўз панохида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!  
Халол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон қам бўлмаган, азизларим, қадрдонларим!

**Ислон КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

■ Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибни таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Сабилов Халик Садикович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби кафедра бошлигининг ўринбосари

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Атаходжаев Адил Иргашевич** — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи  
**Хусанов Фазлиддин Аббозович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги Қоровул қўшинлари бош қарқармаси бошқарма бошлиғи

#### «Дўстлик» ордени билан

**Камалов Ойбек Ахматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик академияси кафедра бошлиғи  
**Ким Илья Валерьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик назорат-тафтиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари

**Рахимов Гулам Гафурович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперти-криминалистика бўлими бошлиғи

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗХДП: устувор вақифалар



## Давр талаблари даражасида ишлайлик

### 2011 йил 20 октябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди

■ Унда партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ЎЗХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишдаги иштироки масаласи кўриб чиқилди.

Пленум ишида ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғис-

тон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳ-

лари раҳбар ва аъзолари, партиянинг бир қатор маҳаллий ташкилот раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси **Латиф Фуломов** маъруза қилди. (Маърузанинг баёни 3-бетда чоп этилмоқда).

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлардан асосий мақсад — Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар сафига киришни таъминлашдан иборат. Мазкур вазифанинг бажарилишида партия ўз электоратининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари ва бошқа манфаатларини яхши билиши ҳамда изчил ҳимоя этиши керак.

→ 2

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ СУДЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ КЕНГАШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

### Тошкентда 2011 йил 18-20 октябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди

■ Унда Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси Б.Бекназаров, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раисининг ўринбосари Чжан Цзюнь, Қирғизистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи К.Апаитова, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев, Тожикистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, шунингдек, ШХТ бош қотиби ўринбосари А.Носиров иштирок этди.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кенгаши ушбу ташкилот доирасида суд-ҳуқуқ соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг маслаҳатлашув механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон томони раислигида ўтган маъруза таъдир давомида унинг иштирок-

чилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш, суд жараёнида ярашув институтини жорий этиш, шунингдек, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш

ҳамда инсонпарварлаштириш сиёсатини ривожлантириш бўйича тажриба алмашди. Таъдирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кун тартибидagi масалалар бўйича маърузалари тингланди. Делегациялар раҳбарлари олий судлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд амалиётига тааллуқли материаллар, ўзаро манфаатли масалалар бўйича илмий-назарий ҳамда амалий ахборот алмашиш ниятини билдирди.

Кенгаш якуни бўйича ШХТга аъзо давлатлар Олий суд органларининг ҳамкорлик иштиқболларига оид қўшма баёнот имзоланди. (Ўза)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

### «Жасорат» медаллари билан

**Артиков Мустафо Бобокулович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Жумаев Дилшод Алиёрович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Мадиримов Русланбек Қадамович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Мухторов Ортик Шухратович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Отабеков Равшанжон Қодирович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

**Рашидов Ойбек Икромович** (марҳум) — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми ҳайдовчиси

**Саматов Алимжан Раимджонович** — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Тауекелов Медетбай Тауекелович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими қўрғон милиция бўлими бошлиғи

**Яминов Шавкат Тухтамурадович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**«Содиқ хизматлари учун» медаллари билан**

**Абдижамиллов Акмал Абдурауфович** — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими қўрғон милиция бўлими бошлиғи

**Ашуралиев Носиржон Назирович** — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Қадиров Улуғбек Махдумджонович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Қурбанов Зарифжон Давронвич** — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер

**Матиязов Шнибай Жолдасбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси

си Чимбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Раджабов Бунёд Норкулович** — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми ёнги учирувчиси

**Сативалдиев Абдуваҳоб Абдиракович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

**Сафаров Бехзод Нормуродович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

**Серкабоев Бахтиёр Олимбоевич** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Тажибаев Мансур Газибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бўлими бошлиғи

**Турматов Жамолiddин Раҳматуллаевич** — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Хасанов Ориф Шарипович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Термиз бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинолоғи

**Худойбердиев Санжар Мухаммадович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи

**«Шухрат» медаллари билан**

**Когай Наталья Сергеевна** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори

**Мингбоев Дониёр Сунатович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

**Рустамов Алишер Каримович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Саидов Шаҳри Хужакулович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Тошбаев Ғайрат Панжиевич** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Уразаев Айбек Зарипбаевич** — Хоразм вилояти Гурлан тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Усманова Хилола Умталиевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бўлими портлаш техникаси эксперти ва маркази бўлими бошлиғи

**Худайкова Ольга Степановна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бўлими шахсий таркиб билан ишлаш хизмати канцелярияси бошлиғи

**Эминов Асрор Жўраевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 21 октябрь

И.КАРИМОВ

## 24 октябрь – БМТ ташкил топган кун



# ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



**Иккинчи жаҳон уруши йилларида дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган халқаро ташкилотни ташкил этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. 1945 йил АКШнинг Сан-Франциско шаҳрида ана шундай халқаро ташкилотни ташкил этиш бўйича ўтказилган Бирлашган Миллатлар Конференциясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ишлаб чиқилди ва 26 июнь кунини имзолади. Уша йилнинг 24 октябрида Низом расман кучга кирди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 31 октябрда қабул қилинган резолюциясига биноан ҳар йили 24 октябрь БМТ кунини сифатида нишонлаб келинмоқда.**

БМТ ҳақида гап кетганда, энг аввало, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик масалалари кўз олдидими қелади. Ташкилот дунёнинг турли нуқталарида юзага келган моҳирларни ҳал қилишда мурасасозлик, воститалик вазибаларни ўтаб келмоқда, кези келганда тинчлик ўрнатилган операцияларини амалга оширишда. Мисол учун, ҳозирги кунда БМТнинг 100 мингдан зиёд тинчликпарвар қучлари 16 тинчлик ўрнатилган операциясида иштирок этмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. 1946 йилнинг 24 январиди қабул қилинган ушбу ҳужжатда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишга даъват ўз ифодасини тошган. 1957 йилда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик тузилди. 1970 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга кирди. 1996 йилда Бош Ассамблея томонидан Ядро қуроли синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

Ядро қуролдан холи ҳудудлар ҳам бевоқифа БМТ шафёлигида барпо этилади. Хусусан, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг шундай ҳудудга айланишида БМТ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Терроризм дунё халқлари тинчлигига таҳдид солаётган хавфлардан биридир. Терроризмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида БМТ шафёлигида 13 халқаро конвенция ишлаб чиқилган. 2006 йилда Бош Ассамблея Глобал ақсилтеррор стратегиясини қабул қилди. Унда миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракат дастури белгиланган.

Ўзбекистон 1992 йил 2 март кунини БМТга аъзо бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдига мустақил давлатимиз байроғи ҳилпирай бошлади. 1993 йил

24 август кунини Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи органи (ЮНЕСКО) ваколатхонаси фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандасига қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббусларни илгари сурганини таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримов ташкилот анжуманларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга, Орол муаммосига қаратиб келмоқда. БМТни ислоҳ қилиш, хусусан, унинг органлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ўз тақлифларини билдирган.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да давлатимиз раҳбари халқаро терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир қўйлаб тақлифларни билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида Президент Ислам Каримов БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бўйича амалий натижа бўлди.

Мамлакатимиз БМТнинг иختисослашган ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали

ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО билан алоқалар кўламини кенг. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мақсадлар ва мактабга тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қўйлаб тақлифлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли туб ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, бирламчи тиббиётни, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларини ва умумий амалиёт шифокори тизимини ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар улкандир. Қўй таъминоти оилавий поликлиникаларда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктларида бепул хизмат кўрсатиш тизимини жорий этилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканига яна бир ёрқин мисолдир. Бу каби ишлар самарасида Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ижроия қўмитаси аъзолари сайланди.

Ўзбекистонда ўткир юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш борасида қатъий ва изчил чоралар қўрилмоқда. Бунда вакцинали профилактика юксак самаралар бераётди. Жаҳон таърибига асосланган Миллий эмлаш тақвими қабул қилинди ва ижроси изчиллик билан таъминланмоқда. Зарур вакциналар билан ўз вақтида ва тула ҳажмда таъминлаш ишларида катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик яхши самаралар бераётди.

БМТ Болалар жамғармаси томонидан юртимизнинг оналик ва болаларни муҳофаза қилиш борасида танлаган миллий модели юксак баҳолалиб, Европадаги ривож-

ланган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Яқинда эса бу борада жаҳондаги нуфузли тузилмалардан бири ҳисобланган «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилотнинг рейтингига мамлакатимиз дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

ЮНЕСКО фан-таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюқ аждодларимизнинг юбилей тадбирлари ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилди. Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ЮНЕСКОнинг «Жаҳон маданий мероси дурдоналари» китобига киритилган.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Бош котиб Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон натижалари билан бевоқифа танишди. Пан Ги Муннинг ташрифи доирасида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани минтақамизда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 21-22 сентябрь кунлари Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича бўлиб ўтган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи саммит қатнашчилари томонидан қизғин қабул қилинди. Йирик сиёсатчилар, нуфузли экспертлар Ислам Каримов пухта ўйланган, амалда юксак самаралар берадиган тақлифларни илгари сурганини алоҳида таъкидлашди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон моҳирларини бартараф этиш йўллари алоҳида тўхталди. Шу маънода, БМТ агентликларининг БМТ Бош котибининг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи яқунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи антропоген оқибатига зарар қўрган аҳолининг муҳим ҳаётини таъминлаш бўйича қўшама дастурини амалга ошириш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор соҳасига айланди.

Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлиги бундан бун ҳам изчил ривожланиш бораётган. Зеро, Ўзбекистон юрифтаги сиёсат, мамлакатимиз раҳбарининг барча тақлиф ва ташаббуслари БМТнинг бош мақсадларига мос ва ҳамоҳангдир.

Олим Тўрақулов,  
ЎА шарҳловчиси.

# Давр талаблари даражасида ишлайлик

## 2011 йил 20 октябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айтиш жоизки, партиямиз томонидан меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан, имконияти чекланган кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги бандлигини ошириш ижтимоий ҳимоя қилишнинг янада самарали йўли ҳисобланади. Маълумки, бу борада партия Марказий Кенгаши минтақавий ташкилотлар билан биргаликда тижорат банклари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари иштирокида иқтисодий форумлар ўтказмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, 2010-2011 ўқув йилида республикамиздаги касб-хунар коллежаларини 431 минг нафар ўқувчи битирди. Уларни мутахассисликлари бўйича тула-тўқис ишга жойлаштириш айна пайтда ҳам доллар вазифалардан биридир. Демак, партиямизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари улар билан тузилган уч томонлама шартномалар қандай бажарилишини мониторинг



қилиши лозим. Натижаларга кўра, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича доимий комиссиялар ва сессияларга тақлифлар киритиш керак.

Қайд этилдики, партия маҳаллий ташкилотлари ва депутат-

лик гуруҳларининг электротат манфаатларига мос иқтисодий-ижтимоий вазифаларни бажаришдаги иштирокини жонлан-тиришда партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унга кўра, ЎзХДПнинг 38 та туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан янги иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначиликнинг замонавий шакллари ривожлантириш, бозорни ўзимизда ишлаб

чиқарилган импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдирини ҳисобига истезмол эҳтиёжини қондириш каби масалалар атрофида ўрганилди ва доимий комиссия йўғилишлари ҳамда сессиялар кун тартибига киритилди.

Шу билан бирга, жойлардаги айрим маҳаллий ташкилотлар ва депутатлик гуруҳлари бу масалаларда сустаклиқ кўрсатаётганини қайд этиш жоиз. Улар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг аксарияти партиявий мақсадга қаратилмаган. Тадбирларда иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар самарадорлигини ошириш борасида тавсиялар берилмапти. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоят кенгашларида, айрим туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан партиянинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ҳал қилишда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмапти.

Шунингдек, пленумда «Истиқ-

бол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти фаолиятига ҳам таъкидий-таҳлилий баҳо берилди.

Шунингдек, партиялараро баҳс-мунозаралар жиддий ва амалий негизда бўлиши кераклигига эътибор қаратилди. Хусусан, партиявий нашрларимизда чоп этилаётган мақолалар ҳамон тахририят ходимлари томонидан тайёрланяпти. Жойлардаги маҳаллий кенгаш етакчилари, депутатлар, партия фаоллари бу борада сукут сақламоқда. Шу боис, партиялараро рақобатда барча даражадаги партия аъзолари иштирок этиш лозимлиги қайд этилди.

Пленумда қилинган маъруза юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси **Абдуғаффор Қирғизбоев**, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири **Абдулла Орипов**, Хоразм вилоят партия кенгаши раиси **Райимберган Сабуров**, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг Самарқанд вилоятидаги муҳбири **Абдували Худоев**, «Еш сиёсатчи —

2011» қўриқ-танлови республика босқичи ғолиби **Рустам Туренов** сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишди.

Пленумда партия сафларига номзодлар танлаш ва партия билетларини тантанали топшириш бўйича тавсиялар, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда ЎзХДПда сайланма орган аъзоларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди ва йўриқ-номалар тасдиқланди.

Муҳокама этилган барча масалалар бўйича иштирокчилар ўз фикр ва муносабатини билдиришди. Туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳларига фаолиятини янада жонлантириш учун тегишли тавсия ва тақлифлар берилди. Фаол ишлаётган партия ташкилотлари билан тажриба алмашиш келишиб олинди.

Пленум якунида қўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Элмурод ЭҒАМҚУЛОВ**,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# Демократик механизмлардан самарали фойдаланиб, яратувчилик ишларида фаол иштирок этайлик

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг партия Марказий Кенгаши V пленумидаги маърузаси баёни

### Ислохотларнинг янги босқичи — сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини ошириш

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ислохотларнинг навбатдаги янги босқичига зарур шарт-шароитлар яратди. Унинг асосий устувор йўналишлари Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади мамлакатимизни аҳоли турмуш фаровонлиги юқори даражада таъминланган демократик давлатлар, ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ва жаҳон ҳамжамиятидан мустақам ўрин эгаллашдир. Бу жараёнда Ўзбекистон ХДП иштироки мамлакатда кечаётган янгиланишлар, устувор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишга таъсир кўрсатиши демократик механизмларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

### Дунёда содир бўлаётган жараёнларга нисбатан аниқ позицияга эга бўлиш

Мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларимизни бугун дунё эътироф этмоқда. Иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар йили ичида 3,4, ўртача ойлик иш ҳақи 14, аҳолининг ялли даромади тахминан 9 баробарга ўсди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва мустақам ривожланишининг асосий исботи бу — Ўзбекистоннинг ривожланиш сурувталари барқарор сақлаб қолганидир. Охириги беш йилда ялли ички маҳсулот ўсиши ўртача 8,5 фоизни ташкил этди. Жорий йилда ҳам ушбу даража сақлаб қолганини кутулимоқда.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти, икки томонлама ва кўптомонлама халқаро муносабатлар тизимида мустақам интеграциялашди. Шу боис, дунёда глобаллашув билан бирга содир бўлаётган ҳодиса ва тенденциялардан Ўзбекистонга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида глобал молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ салбий ҳодисалар давом этмоқда. Кўпгина мамлакатларда давлат қарзлари, бюджет таъминоти ошмоқда. Бунинг оқибатида давлат харажатларининг камайиши ҳатто иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳам ижтимоий танглик кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунё молия бозорини мустақамланмаган пул босқиси билан тўлдириш жараёни ҳам тўхтатилмаган.

XXI асрнинг хатарли тенденцияларидан бири бу — мафкуравий таъсир, ахборот хуружининг орттириши. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бузғунчи мафкурани синдиришга интилиш кучли.

Сўнгги вақтда юзага келган глобал иқтисодий, экологик, гуманитар ва бошқа муаммоларни амалий ҳал қилиш учун янги ва самарали халқаро ёндашувларни излаб топish эҳтиёжи заруратга айланди.

Жамиятда етакчилик қилишга ҳаракат қилаётган ҳеч бир партия XXI асрнинг шу каби бошқа хатарларига нисбатан бефарқ қараб туролмайди. Шундай экан, ХДП ҳам бу масалаларда ўзининг аниқ ва катъий позициясини белгилаб олиши зарур.

### Замонавий талабларга тўла жавоб берувчи партияга айланиш зарурати

Мамлакатни демократик модернизациялашнинг бугунги босқичида асосий устувор вазифалар бу — **кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш**, сиёсий партиялар фаолигини ошириш, улар ўртасида рақобатни кучайтиришдан иборатдир.

Парламент ва депутатларнинг қундалик фаолиятида **сайловда партиялараро курашни** давом эттириш, ҳар бир партиянинг дастурий мақсадларга эришиш, янги аҳолининг турли ижтимоий қатлами ва гуруҳларининг ман

фаатларини ифода этиш долзарб вазифадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **фракцияларнинг рақобати**, шунингдек, партиялар дастурий мақсадларини ифода этувчи ва электоратини ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг муқобил йўллари тақлиф этувчи чуқур ўйланган лойиҳаларни амалга ошириш учун кураш хусусиятига эга бўлиши керак.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги **партия депутатлик гуруҳлари** фаолиятини янада фаоллаштириш зарур. Бу фаоллик худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масалаларни амалий жиҳатдан ҳал этишда ижро ҳокимияти маҳаллий идоралари фаолиятига партиянинг таъсирини кучайтиришга қаратилиши зарур. Парламент ва депутатлик назорати ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга ҳалақит берувчи хато ва камчиликларни аниқлаш, очик-ошқора ва амалий муҳокама қилиш ҳамда бартараф этишда амалий чораларнинг қўлланилишига хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари бу талабларга жавоб бериш учун қаттиқ курашиши талаб этилади. Бунда тараққий топан демократик мамлакатлардаги каби кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, бу борадаги замонавий тенденцияларни ўзлаштириш назарда тутилмоқда.

### Партия сиёсий позициясининг асоси — электорат ижтимоий-иқтисодий манфаатлари

2005 йил партияимиз ривожланишидаги бурлиш йили бўлди. Ушунда ХДП ўз электоратини аниқ белгилаб олди. Унга кўра, давлат ва жамиятнинг **манзилли ижтимоий ҳимоя ва кўллаб-қувватлашига муҳтож аҳоли қатлами** партияимизнинг асосий ижтимоий гуруҳи ва электорати ҳисобланади.

Ўтган олти йил биз учун сиёсий жиҳатдан ҳақиқий сабоқ бўлди. Чунки, электоратнинг аниқлаб олиниши бу сайлов кампаниялари даврида маъруза қатламнинг кўллаб-қувватлашига таъмин учун фақат илк қадамдир. Бунга тўлиқ эришиш учун биз электоратимизга қуйидагиларни исботлаб беришимиз лозим:

— аввало, биз уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа манфаатларини пухта билишимизни;

— Партияимиз мана шу манфаатларга жавоб берувчи вазифаларни ҳал қилишнинг аниқ ва самарали йўллари тақлиф этишга қодир эканини;

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги ХДП депутатлик гуруҳларининг фаолияти мана шу вазифаларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмининг амалий ҳал қилишда қўйилган натижани беришини кўрсатишимиз лозим.

### Иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарасини ошириш бўйича партиянинг дастурий кўрсатмалари

Ўзбекистон ХДП меҳнатга лаёқатли, шу жумладан, имконияти чекланган кишиларнинг **ишлаб чиқариш соҳасида ўзига муносиб меҳнат билан бандлиги даражасини ошириш** ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли, деб ҳисоблайди.

Ушбу устувор йўналишни амалга оширишда партия амалий жиҳатдан фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва вилоят ташкилотлари ташаббуси билан тижорат банклари ҳамкорлигида ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги иштирокида жойларда ўтказилаётган иқтисодий форумлар фикримизнинг тасдиқидир. Форумлар натижасида партияимиз электоратининг иқтисодий жиҳатдан фаол, ўз бизнес соҳасига эга 533 нафар вақили умумий ҳисобда 20 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда микрокредитлар учун тижорат банклари сертификатларини қўлга киритди. Бу имтиёзли микрокредитлар улар

ўз ишини бошлаши учун хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш учун кичик корхоналарни ташкил этиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, майший хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи лойиҳалар форумлар доирасида экспортлар томонидан синчиклаб ўрганилди ва микрокредитлаш учун истиқболли деб топилди. Буларнинг барчаси йил бошидан бун партия электоратининг 550 дан ортиқ вақилини оилавий ва хусусий бизнесга жалб этиш имконини беради.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри «Бинокор» маҳалласида яшовчи Раёно Сатторовани тикувчиликни ривожлантириш мақсадида 24 миллион сўм кредит олиш учун сертификатни қўлга киритган эди. У тикувчиликка иқтисослашган кичик корхона очиб, 20 га яқин иш ўрни ташкил этди.

Партия электорати вақиллари фаолиятига оид бундай мисолларни кўллаб келтириш мумкин. Биз яқин орада бу таъбирдан имконияти чекланган кишиларнинг меҳнат билан бандлигини ошириш вазифаларини ҳал қилишда ҳам қўллаш ниятидамыз. Бу уларнинг ишбилармонлик фаолигини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Меҳнатга лаёқатли кишиларнинг самарали бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишнинг муҳим йўналиши ҳар йили парламент томонидан тасдиқланадиган **Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини** амалга оширишдан иборатдир. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг тегишли масалаларни ҳал этишдаги амалий иштироки куйидаги принципиал позициядан келиб чиқishi лозим. Яъни:

— **Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги даражасини ошириш бу шунчаки мақсад эмас.** Иш билан банд бўлмаган аҳолини иқтисодиётнинг реал секторига ишлаб чиқариш фаолиятига самарали жалб этиш ялли ички маҳсулот ўсишининг муҳим омилларидан биридир.

— Меҳнат фаолиятига жалб этилаётган киши **ижтимоий нафақа олувчидан бюджетнинг даромад қисми ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини тўлдирishi** манбаига айланиши лозим. Шу боис, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги, шу жумладан, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти орқали бандлигининг орттиши нафақат меҳнат дафтарларини расмийлаштириш, балки маҳаллий бюджет даромадлари орттиришдан ҳам иборат бўлиши учун мониторинг оқиб бориш керак.

— Иқтисодий чекланган кишиларнинг **ўз қобилияти даражасида меҳнат билан бандлигини** таъминлаш учун қўвотлар бериш бўйича қонунда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниши таъминлаш лозим.

— **Касаначиликнинг янги ва самарали шакллари**ни ривожлантиришга кўмаклашish муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, биз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги ХДП депутатлик гуруҳлари «Фаол аёллар» қаноти туман, шаҳар бўлимлари билан биргаликда ёш болаларни сабабли меҳнатга жалб этишга маълумат мониторинги ўтказишни тақлиф этамиз. Ушбу масаланинг урганилиши касаначилик асосидаги иш ўринларини ташкил этишда маҳаллий бандлик дастурлари бандлирга аниқлик киритиш имконини беради. Масалан, педагогика ва тиббиёт соҳасида ўрта махсус маълумотга эга аёллар учун ишнинг уй шароитида ташкил этиш шакллари ривожлантириш борасидаги тақлифларни тайёрлаш, сессиялар муҳокамасига киритиш мумкин.

— **Касб-хунар коллежлари битузавчилигини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш** ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ўқув йили тугагани кутмай, партияимизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари битузавчи босқичда таълим олаётган ўқувчилар билан тузилган уч томонлама шартномалар қай аҳволда ва қандай бажарилгани мониторингини ташкил этиши керак. Унинг натижаларига кўра, аниқланаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тезкор тақлифлар киритиш лозим.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг жойларда **устувор ижтимоий вазифалар** ҳал этилиши самарадорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, кўмакка муҳтож кишиларни уларнинг имконияти етарли даражада таъминлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳал этилишида фаол иштирокини таъминлаш зарур. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ушбу иштирокини таъминлаш, коммунал соҳани ривожлантириш, аҳоли кам таъминланган қатлами учун ижтимоий уй-жой куриш бўйича қўвотларни ташкил этиш, аҳолининг ҳаётини яхшилаш мақсадида тизимли равишда **таъсирчан депутатлик назоратини амалга оширишлари** лозим.

Бу ва бошқа масалаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида **«Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази»** мавзусидаги мақсадли тадбирларни изчил давом эттириш керак.

### Жойларда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга фаол таъсир кўрсатайлик

Партия маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг жойларда электоратини манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиришда партиянинг **2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг** қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларидаги ХДПнинг 38 та депутатлик гуруҳи томонидан куйидаги масалалар бўйича ишларнинг аҳолини ўрганилди:

— янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш;

— касаначилик фаолиятининг замонавий шакллари ривожлантириш;

— ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳамда импорт ўрини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирishi ҳисобида истеъмол эҳтиёжини тўлиқ қондириш кабилар.

9 ой мобайнида халқ депутатлари 17 та туман ва шаҳар Кенгашиларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан тегишли масалалар ўрганилди ва доимий комиссияларда муҳокама этилди. 13 та халқ депутатлари Кенгашида ХДП депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганилган масалалар сессиялар кун тартибига киритилди. Буларнинг натижасида тегишли вазифаларни ҳал қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, айрим маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бу масалаларга етарли масъулият билан ёндашмаётди. Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи фаолияти бугунги кун талабига мувофиқ жавоб бермайди. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида депутатлик гуруҳи маҳаллаларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобида янги иш ўринлари ташкил этиш ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ўрганиб, туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиши керак эди. Бироқ бу ишлар ҳамон пайсалга солинмоқда. Самарқанд вилоятидаги халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларидаги Ўзбекистон ХДП кўплаб депутатлик гуруҳлари ишларининг ҳам самарадорлиги паст. Шунингдек, халқ депутатлари Бухоро вилояти Жондор туман, Навоий вилояти Нурутум туман, Наманган вилояти Мингбулоқ ва Норин туман, Сурхондарё вилояти Қизилқум ва Кумқўрғон туман Кенгашиларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятида амалий натижалар сезилмайди. Марказий Кенгаши вилоят ташкилотлари раҳбарлар билан бу вазиятни ҳал қилиш, тегишли ташкилий хулосалар чиқаришни қатъий талаб қилади.

### Партиянинг ижтимоий-сиёсий фаолияти сифати ва самарадорлигини оширайлик

Партиянинг электорат орасида олиб бораётган ижтимоий-сиёсий ишлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича ХДП марказий идоралари томонидан қабул қилинган кўпгина қарорлар айрим маҳаллий ва бошланғич ташкилотлар томонидан бажарилмай қоляпти.

Анджон, Жиззах ва бошқа вилоят ташкилотларида ўқувчи ёшлар ўртасида тадбирлар ўтказишга бир томонлама берилиб кетиш ҳоллари кузатишмоқда. Қашқадарё, Хоразм, Наманган вилоятларида ХДП туман кенгашилари ва бошланғич ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирларнинг тахминан ярми маданий-кўнгилчоқ хусусиятга эгадир.

Партия бошланғич ташкилотларининг электоратимиз яшаш жойларидаги фаолияти бўшлиғича қоляпти. Марказий Кенгаш томонидан мавзулар тасвия этилиб, улар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг учдан бир қисмига яқини номингагина амалга ошириляпти. Айрим партия ташкилотларида ички партиявий интизомни бузиш ҳоллари кузатишмоқда.

Партиянинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотларига нисбатан айрилган шу ва бошқа эътирозлар билан бирга, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг жорий йилдаги фаолиятини танқидий баҳолашга тўғри бўлади. Тегишли соҳаларга жавоб берувчи Ижроия қўмита аъзолари юзага келган ушбу ҳолатдан тўғри хулоса чиқаришлари шарт.

Электорат орасида **ижтимоий-сиёсий ишлар самарадорлигини янада ошириш** мақсадида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашилари ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирлар савияси ва мазмунига жиддий эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, тез орада электорат яшаш жойларида партия бошланғич ташкилотлари ишини кучайтиришга қаратилган вазифаларни бажаришни ниҳоясига етказиш муҳимдир.

**Ахборот хуружи, мафкуравий таъсир, экстремизм** таҳдиди ортиб бораётган бир шароитда партия дастурий мақсадларини тарғиб этиш билан бирга, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, **миллий гоияни тарғиб этиш бўйича** давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ишга қўмаклашиш ижтимоий-сиёсий фаолиятимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, **баркамол ахлоқ**ни тарбиялаш ишларини такомиллаштириш, **ёшлар сиёсати**га боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишда партия барча бўғинларининг янада фаолроқ иштирокини таъминлаш зарур.

Партияимиз матбуотида **партиялараро баҳсини** ташкил этиш масаласи ҳам бу борадаги ишларимизни тубдан яхшилашни талаб этади. Шу пайтгача мунозаралар бир томоннинг билдирган танқидий фикрига жавобан унинг салбий жиҳатларини очиб бериш, бир-бирига ўзаро таъна қилишдангина иборат бўлиб келяпти. Демак, партия матбуотининг бу масалалар ёндашуви жиддий ўзгаришни талаб этади. Партиялараро мунозаралар, аввало, турли партиялар **позицияларини таққослаш**, уларнинг ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга турли масалалар бўйича нуктаи назарларини солиштириш хусусиятига эга бўлиши керак.



## Хориж Серфингда учиб

### мактаб дарслигига киритилади

Гавай ороллари ҳақида гап кетгудек бўлса биринчи галда, албатта, серфинг эсланади. Гавайни серфингсиз тасаввур қилиш қийин.



Негаки, туя ўрқачлари-дек баланд-баланд денгиз тўлқинлари айнан шу ороллар қирғоқларини ювиб туради. Бу эса спортнинг серфинг тури ривожланишига сабаб бўлган. Шу боис ҳам маъмурият келгуси йил баҳордан серфинг спортини мактаб дарслигига киритишга қарор қилди.

## Касалликка чалиниш ҳолатлари дунё бўйича камайган

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг йиллик ҳисоботига асосланб «AFP» АА маълум қилишича, кейинги йилларда Ер шарни аҳолисининг силга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайган.



Ҳисоботда қайд этилишича, ўтган йили дунё бўйича 8,8 миллион киши сил касаллигига чалинган. Бу рақам 2009 йилда 9,4 миллион кишини ташкил этган эди. Шу билан бирга, айнан шу ҳасталиқдан қурбон бўлганлар сони ҳам кейинги ўн йилда анчага камайди. Ўтган йили 1,4 миллион бемор маъзур касалликдан нобуд бўлган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1,8 миллион кишига тенг бўлган.

## Фуқароликни олиш учун француз тилини яхши билиши шарт

Франция маъмурияти мамлакатда неча йиллардан бери яшаётган муҳожирилари Франция фуқаролигини олиш учун турли «процедура»лардан ташқари француз тилини ҳам яхши билиши шартлигини белгилаб қўйди. Бу борада унинг дипломи ёки расмий сертификати бўлиши лозим.



Мамлакат Ички ишлар вазирлигидан маълум қилишича, дейилади «Новости» АА хабарида, ҳар йили Франция фуқаролигини қабул қилишда муҳожирлар француз тили бўйича озаки сўзлашадиган ўзаро эди. Бу эса амалиётда ўз самарасини бермади. Шу боис келгуси йилнинг январидан эътиборан Франция фуқаролигини олишни истоган муҳожирлар барча ҳужжатлар билан бирга француз тилини билиши тўғрисидаги дипломни ҳам топшириши талаб қилинади.

## Ҳар еттинчи украиналик мамлакатдан ташқарида

Украинадаги миграция бўйича халқаро ташкилот ваколатонасидан олинган маълумотга асосланб «Униан» АА хабар тарқатишича, айни пайтда Украина аҳолисининг 14 фоиздан ортиғи, яъни 6,5 миллион киши мамлакатдан ташқарида — хорижда ишлайди. Уларнинг асосий қисми Россия, Германия, АКШ, Исроил, Чехия, Венгрия ва Польшада.



Ушбу 6,5 миллионлик «гастарбайтер»ларнинг 67 фоизи аёллар бўлса, 33 фоизи эркаклардир. Миграция бўйича халқаро ташкилот маълумотларига қараганда, муҳожирларнинг 54 фоизи қирғилиш соҳасида, 17 фоизи хонадонларда турли ишлар билан банд, 9 фоизи қишлоқ хўжалиги ва савдода, 6 фоизи саноат корхоналарида ишга жойлашган.

Украиналик «гастарбайтер»лар орасида 14 фоизи олий маълумотли бўлса-да, лекин улар маълумот талаб қилинмайдиган соҳаларда ишламоқда. Жорий йилда «Forbes»

# Туркманистон: мустақил тараққиётнинг 20 йили

Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмида қарор топган Туркманистон — ноёб тарихий ва маданий анъаналар мамлакатидир. Бугунги кунда ушбу мамлакат шаҳарлари буткул ўз қиёфасини ўзгартираётгани ҳолда вақт ўтган сари улар Европа мегаполисларининг кўринишини касб этиб бораётир. Бунда, шубҳасиз, ўзига хос меъморчиликда, биноларнинг ва кўп сонли тарихий ёдгорликларнинг безакларида Шарқ руҳи ўз ифодасини топган.

1991 йил 27 октябрда Туркманистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг ўзига тўқ давлат сифатидаги ўз ўрнини мустақамлагани ҳолда у тарихан қисқа давр ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди. Мамлакатнинг асосий мақсадларидан бири тараққий топган давлат секторига эга бўлган юқори самарали тизимни шакллантириш, самарали тадбиркорлик ва замонавий бозор инфратизимини, аҳоли барча қатламларининг ижтимоий кафолатланганини таъминлайдиган ишчан макроекономик босқарув асосидаги ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш ҳисобланади. Бу йўналишда кенг қўламли янгиланишлар ва ислохотлар рўйбга чиқарилмоқдаки, уларнинг натижалари сифатли ўзгаришларга олиб келаётганини пайқаш асло қийин эмас.

Шубҳа йўқки, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов томонидан 2010 йил 14 май куни тасдиқланган «Туркманистоннинг 2011 — 2030 йиллар мобайнидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти Миллий дастури» доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий стратегия мамлакат эришяётган муваффақиятларнинг асосини ташкил қилади.

Глобал молиявий инқироз шароитида мамлакат кўрсаткичлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарор эканлигини намоян қилмоқда. Жаҳоннинг ақсарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари стагнациясининг сезиларли даражада пасайиши ку-

затилган давр оралиғида Туркманистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг суръатлари 6 фоиздан камаймади.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳаларида ислохотларнинг муваффақиятли ўтказилиши иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши имконини берди. Муваффақиятларнинг таъкидлашича, давлат капитал маблағларини жалб этиш борасидаги сиёсат ҳамда тўғридан-тўғри хориж сармоясининг юқори даражаси мамлакатда ялпи ички маҳсулот юқори суръатда ўсишини таъминламоқда.

Мамлакат санаятининг устувор жабҳаси ҳисобланадиган ёнилғи-энергетика мажмуи Туркманистон иқтисодий тараққиётининг асоси ҳисобланади.

Электрэнергетика Туркманистон ёнилғи-энергетика мажмуининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Мазкур тармоқ мамлакатнинг электр энергиясига бўлган ички эҳтиёжини тўла қоплаши билан бирга, ортиқча электр энергиясини Афғонистон ва Эронга экспорт қилиш имконини беради.

Туркманистонда мустақиллик йиллари мобайнида экспортга мўлжалланган замонавий тўқимачилик санаяти барпо этилди. Мамлакат индустриал ўсишининг асосий нуқталаридан бири бўлиб қолган бу тармоқ тизимида бугунги кунда янги техника билан жиҳозланган ўнлаб корхоналар мавжуд. Агар бундан йигирма йил бурун Туркманистон экспорт тизимининг асосий қисмини ҳошашё ташкил этган бўлса, ҳозир мамлакат рақобатбардор шайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи сифатида эътибор

қозонган. Ўз савдо белгисининг пайдо бўлиши, жаҳон истеъмолчилари бозорига чиқиши тармоқ ривожланиши ҳамда унинг рентабеллиги ошишидаги ҳал қилувчи қадам бўлди.

Мустақиллик йиллари давомида Туркманистонда Ашқобод тиббиёт пахтаси ва косметик пахтали воситалар ишлаб чиқариш фабрикаси, қатор тола йиғирish фабрикалари сингари ва бошқа тўқимачилик санаятининг янги объектлари ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, туркман халқи учун гилам тўқимачилиги ҳаммаи алоҳида аҳамият касб этиб келган. Жуда мураккаб ва сирмашаққат иш ҳисобланадиган гилам тўқимачилиги санъати анъанавий равишда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Гўзал гиламларни тўқий олиш келин ва аёлларнинг асосий фазилятларидан бири ҳисобланган. Мустақиллик шароитида гилам тўқимачилиги тараққиётга янги туртки берилди — мамлакатнинг барча минтақаларида гилам тўқимачилиги ишлаб чиқаришининг кенг тармоғи ташкил қилинди.

Туркманистонда транспорт-коммуникация тизимининг ривожланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. У мамлакат бутун иқтисодиёти барқарор тараққиётини таъминлайдиган инфратизимнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Кейинги йиллар давомида истиқболда хорижий давлатларнинг темир йўллари билан туташадиган янги темир йўл тармоқлари қурилди. Туркманистон Ўрта Осиё мамлакатларини Форс кўрфазини билан боғлайдиган муҳим транзит худуди ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари мобайнида транспортнинг авиация тури ҳам ривож топди. Ашқобод замонавий аэровокзал мажмуи барпо этилди. «Туркменвоаеллари» Давлат миллий хизматининг авиация парки «Боинг» корпорациясининг кулай йўловчи лайнерларидан ташкил топган.

Мамлакатда денгиз савдо флотини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тармоқ янги денгиз кемалари

билан бойиб бормоқдаки, бу Туркманистоннинг савдо йўналишлари тармоғини кенгайтириш имконини беради. Бир пайтнинг ўзида олти хил нефть маҳсулотларини ташишга қодир бўлган танкерлар шулар жумласига кирди.

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатда автотранспорт воситаларининг сони уч баравардан зиёдга ошди. Ҳозирги пайтда муниципал ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган сифатли автомобиль йўллари кенг тармоғи мавжуд. Мамлакат ички автомобиль йўллари халқро андозаларга мувофиқлаштирилмоқдаки, уларнинг қарбдан шарққача ва шимолдан жанубгача бўлган умумий масофаси 2 минг километри ташкил этади.

Шу билан бирга, мамлакатда телекоммуникация инфратизими ҳам фаол ривожланмоқда — янги уяли автомат телефон станциялари қурилуши ва ишга туширилуши, халқаро каналлар тармоғи кенгаймоқда, абонентлар сони ошмоқда, алоқа хизмати тобора ўсиб бормоқда.

Аҳолининг глобал ахборот тармоғига улашини таъминлашга йўналтирилган «Туркментелеком» давлат электралоқа корхонаси томонидан янги объектларнинг ишга туширилиши ҳисобидан абонентларнинг сони ошириш борасида иш олиб бориламоқда.

Туркманистон мустақиллик шароитида гуманитар масалалар ўз сифатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилишни намоян этгани ҳолда, ижтимоий-иқтисодий фаровонликка жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам Президент Гурбангули Бердимухамедов томонидан илгари сурилган «Давлат — инсон учун» шиори бугун мамлакатдаги ҳар бир фуқароннинг фаровонлиги учун

кўрсатилаётган гамжўрликнинг яққол далолатидир. Мазкур истиқболли дастурлар учун уларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, мамлакат аҳолиси турмуш даражасини оширишга қаратилганлиги асосий тамойил ҳисобланади. Туркманистон 2010 йилда Инсон санолатининг ривожланиши индекси бўйича 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 22 ўринга кўтарилди.

Мамлакатда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ашқобод юқори технологияларга эга бўлган клиникалар фаолият кўрсатаётган йирик тиббий марказга айланди. Изчил ислохотлар мамлакатнинг барча худудларини, шу жумладан, қишлоқ тиббиётини ҳам қамраб олган. Шаҳар ва этрап шифохоналари, саломатлик уйлари ва марказлари каби ўнлаб тиббий масканларни қуриш ишлари олиб бориламоқда.

Таълимни такомиллаштириш жамият маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг асоси сифатида Туркманистон ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади. Туркманистон Президентининг бевосита раҳбарлигида илмий соҳада тул ислохотлар амалга оширилмоқда. Туркманистон Фанлар академияси қайта тикланди, алоҳида ихтисосликлар бўйича экспорт кенгашларига эга бўлган Олий аттестация қўмитаси тасвир этилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини модернизация қилиш жараёнлари билан бирга, Туркманистон ҳукумати туркман халқининг маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугун Туркманистон Президент Гурбангули Бердимухамедов раҳбарлигида нафақат дунёдаги илгор ривожланаётган ва сиёсий жиҳатдан барқарор бўлган мамлакат, балки тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашга йўналтирилган ташки сиёсатини олиб бораётган давлат сифатида

ҳам маълумдир.

Ҳозирги вақтда Туркманистон 129 давлат билан дипломатия алоқаларини олиб бормоқда ҳамда 42 та халқро ташкилотнинг, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати каби ташкилотларнинг аъзоси саналади. Мамлакат 122 та халқро конвенция ва шартномаларга қўшилган.

Ўз ташки иқтисодий стратегиясини тинчликсеварлик ва аҳил қўшничилик тамойиллари асосига қурган Туркманистоннинг фаол тинчликпарварлик нуқтаи назарини Президент Гурбангули Бердимухамедов томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг ақинда бўлиб ўтган 66-сессиясида илгари сурилган «Тараққиёт орқали тинчлик» шиори ҳам яққол тасдиқлаб турибдики, унда Туркманистон етакчиси янги конструктив ташаббуслар билан чиқди. «Очиқ эшиклар» сиёсати ва кенг қўламли халқаро ҳамкорликни изчил амалга ошира борган ҳолда бетараф Туркманистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда 20 йил муқаддам халқро ҳамжамият томонидан мустақил давлат сифатида эътироф этилган Туркманистон тарихида туркман-тоникларнинг эътиборга молик муваффақиятларини ўзида акс эттирган янги саҳифалар очилмоқда, ушбу мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборувчи дастурлар амалга оширилмоқда, янгидан-янги юксак марраларга эришилмоқда.

Ўз етакчиси — Президент Гурбангули Бердимухамедов раҳбарлигида Туркманистон комил ишонч билан илгари одимламоқда, фаровонлик, бунёдкорлик ва тараққиётнинг янги чўққилари сари олға бормоқда, давлат эришган муваффақиятлар эса ушбу изчил сиёсий-ҳаракатлар йўлидан асло чекинмаслигидан яққол далолатдир.

«Жаҳон» АА

## Солиқ тизими

### Имкониятга яраша масъулият

Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада фаолият юритаётгани ҳам кўп нарсани аниқлатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шарт-шароит яратиш, кичик бизнес субъектларига кредит бериш тизимини янада такомиллаштириш бу йил давлат дастурида кўзда тутилган асосий вазифалардан биридир. Дастурга мувофиқ, ягона солиқ микдорининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши туманимизда 128 миллион сўмдан ортиқ маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолишига замин яратди.

Ҳозирги кунда Поп туманида 617 та фермер хўжалиги, 783 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Бу тизимда жами 4,7 минг нафар киши иш билан банд. Ҳисоб-китобга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг туман ялпи ички маҳсулотидagi улуши 50,3 фоиздан ортиқ.

Президентимиз шу йил имзолаган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларини янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар тадбиркорлик субъектларига қўллаб энгилликлар туғдирди. Хусусан, бундан бунён янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб, уч йил давомида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Қолаверса, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш 30 тақвим кунидан ошмайди. Албатта, бу имтиёз ишбилармонларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан далолатдир.

Мухторхон МАМАРАҲИМОВ, Поп туман ДСИ бошлиғи.

## Шахмат

### Шахматчиларимиз пешқадам

Пойтахтимизда давом этаётган шахмат бўйича I Марказий Осиё кубоғи мусобақасида Ўзбекистон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан эллик нафардан зиёд мохир шахматчи голиблик учун дона сурмоқда.



Тахрибали шахматчимиз Марат Жумаев эса ўзбекистонлик Руслан Ниёзматов, Элбек Алибеков ва қозоғистонлик Гулискан Нахбобоева устидан қозонилган ғалабалар вазисига уч очко жамғари. Марказий Осиё кубоғи турнирида пешқадамлик қилаётган Антон Филиппов ва Марат Жумаев тўртинчи турда ўзаро куч синашади.

Мусобақада бош совринга асосий давogarлардан ҳисобланган энг кучли гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов дастлабки икки партияни ўз фойдасига ҳал қилган бўлса-да, учинчи турда ўзбекистонлик халқро тоифадаги спорт устаси Андрей Квон билан дуранг ўйнади. Ҳозирча ҳар иккала шахматчимиз ҳисобида икки ярымтадан очко бор.

Турнирда иккитадан ғалаба ва биттадан дурангга эришган ўзбекистонлик Ақмал Файзуллаев, Талгат Губайдуллин, қозоғистонлик Павел Коцур ва қирғизистонлик Асил Абдуҷаъфар ҳам бош соврин учун курашини давом эттирмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, (ЎЗА)

## Меҳнатлар самараси муносиб баҳоланди

Пойтахтимизда «Standard & Poor's» халқро рейтинг компанияси «Ўзбекистон Республикаси Халқ банки рейтингини назорати» мавзусида семинар ўтказди.

Тадбирда «Standard & Poor's»нинг Париждаги офис директори Пьер Жиро, мустақил таҳлилчи Ана Еленкович ва рейтинг компаниясининг Москвадаги бош офиси катта таҳлилчиси Сергей Вороненко ҳамда «Халқ банки» раҳбарияти, департаментлар директорлари ва бошқарма бошлиқлари иштирок этишди.

Пьер Жиро ўз чиқишида янги методология услуби ва унинг банк рейтингига таъсири, банкларни янги рейтинг баҳоласи услуби ҳамда инвесторларни ўзига жалб қилишда маълумотларнинг тўлиқ ёритиб борилиши ва уларга тўлиқ ишонч ҳосил қилингандан сўнг объектив баҳоланишнинг муҳимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Янги методология услуби инвестицион бирлашманинг ўзгарувчан информация эхтиёжлари билан бирга, таваккалчилик ва стратегик жараённи бошқарувни таҳлилини, шунингдек, корпоратив бошқарувни ҳам ҳисобга олади, акциядор инвесторларнинг узоқ муҳдатли позицияларини молиявий режда асосида кўриб чиқишни амалга оширади.

Шунингдек, семинарда қайд этилганидек, кредит рейтингини инвесторлар учун ҳам, банк учун ҳам бир қатор афзалликлар яратди. Рейтинглр инвесторлар учун молиявий таҳлил жараён-

ларини соддалаштиришда зарур бўлса, банкка кредит бўйича лаёқатлилигини ўз молиявий таркибининг махфий маълумотларини ошкор этмаган ҳолда исботлаш имконини беради.



Маълумки, жорий йилнинг май ойида «Standard & Poor's» компанияси таҳлилчилари «Халқ банки» фаолиятини, стратегик йўналишини ҳамда ўтган йилги фаолияти натижаларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон молия мусасисининг халқро кредит рейтинглари В/Барқарор/В даражасида эканлигини тасдиқлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги жадал иқтисодий ислохотлар жараёнида 14 та худудий, 185 та туман (шаҳар) филиаллари, 270 та минибанк, 3,5 мингдан ортиқ бўлим ва махсус кассаларни ўзига бирлаштирган Давлат тижорат «Халқ банки»нинг ҳам муносиб улуши бор. Банк жамоаси Пре-

## Реклама ўрнида

зидентимиз ва ҳукумат томонидан қўйилаётган талабларга ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурига қатий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашуши янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу албатта «Халқ банки» молиявий имкониятларининг янада кенгайиши, унинг нафақат миқозлар, молия муассасалари, балки халқро молия ташкилотлари олдидagi нуфузи янада ошишига олиб келди. Буни жаҳоннинг энг нуфузли «Standard & Poor's» халқро рейтинг агентлиги томонидан берилган «Барқарор» баҳоси ҳам исботлади.

Мухими, жаҳоннинг етакчи таҳлилчи мутахассислари эътирофи ва баҳоси банк жамоасини янада ташаббускорликка, бундан-да шижоат билан ишлашга ундамоқда.

«ХАЛҚ БАНКИ» МАТБУОТ ХИЗМАТИ

## MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

## TAHIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxlihidin MUHIDDINOV
MUCHILBOY RAMATOV
Saidahmad SAIDAHMAD
RAHIMOV

## BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

## Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasxonasi chop etildi. Korxonani nashriyot: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

## Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046 10228 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'ZA yakuni — 22.00 Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

## Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5